

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЕВА ЁРҚИНОЙ ЯРКУЛОВНА

**ТУТНИ *IN VITRO* УСУЛИДА КЎПАЙТИРИШ ВА БИРЛАМЧИ КЎЧАТ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Мирзаева Ёркиной Яркуловна

Тутни *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат
етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш 3

Мирзаева Ёркиной Яркуловна

Размножение шелковицы методом *in vitro* и разработка
агротехнологии выращивания первичных саженцев..... 23

Mirzaeva Yorkinoy Yarkulovna

Reproduction of mulberry by *in vitro* method and development of agricultural
technology for growing primary seedlings..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЕВА ЁРҚИНОЙ ЯРКУЛОВНА

**ТУТНИ *IN VITRO* УСУЛИДА КЎПАЙТИРИШ ВА БИРЛАМЧИ КЎЧАТ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx436 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети ва Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хўжамшукуров Нортожи Абдихоликович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исматуллаева Дилором Адилевна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Нурматов Норқобил Жураевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 543401 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил 6-майдаги №5-рақамли реестр баённомаси)

Ш.Р.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент

Б.У.Насириллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ипакчилик соҳаси ривожланган давлатлар илмий муассасалари табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, турли иқлим стресс шароитларига мослашган, тўйимлилиги юқори, барг ҳосилдорлиги ва таркиби оқсилга бой бўлган, иқтисодий жиҳатдан юқори самарали тут навларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўсимликларни замонавий *in vitro* усулида етиштириш тут навларини вегетатив, маркер-ассоцияланган селекция ва микроклонлаш усулларида самарали фойдаланган ҳолда ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида 626000 га, Ҳиндистонда 280000 га, Таиланд ва Бразилияда 35000 гектардан зиёд майдонларда айнан навдор тутлар етиштирилмоқда¹.

Республикамизда ипакчилик тармоғини юқори даражага олиб чиқиш учун тут ипак қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида, серҳосил, тўйимли барг берадиган навдор тутларни кўпайтиришни илмий асосланган агротехнологияларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Жумладан, маҳаллий шароитда «...инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва илм фан ютуқларини кенг жорий этиш орқали пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, ҳажмини ошириш»² асосий вазифалардан қилиб белгилаб берилган. Инновацион ғоя турли хил ўсимликларни замонавий *in vitro* усулида кўпайтиришда кенг йўлга қўйилган бўлсада, сермахсул ва касалликлардан холи бўлган тут навларини етиштириш жараёнларида *in vitro* усулидан фойдаланиш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги сабабли янги технологияларни тадқиқ этиш борасидаги илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони³, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон «Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 616-сон қарорида ҳамда соҳага тегишли бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология,

¹ <http://www.fao.org/livestock/agap/frg/mulberry/Papers/HTML/Intro.htm>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сонли қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони.

экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ўзбекистонда тут кўчатларини турли усулларда кўпайтириш, тутзорларнинг маҳсулдорлигини оширишга оид илмий-тадқиқотлар М.И.Гребинская, К.Рахмонбердиев О.Пўлатов, Р.Абдуллаев, Ў.Кўчқоров, М.Жўраев, Д.И.Холматов, М.Ҳиббимов каби олимлар томонидан олиб борилган.

Таъкидлаш жоизки, республикада тутни замонавий *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат етиштириш агротехнологияси тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган, лекин картошка, олма, узум ва гилосни *in vitro* усулида микроклонал кўпайтириш борасида бир қанча илмий изланишлар К.С.Султонов, С.Х.Абдураманова, Э.Г.Холмуратов, Г.Б.Насирова, М.Ш.Сабировалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари ўтказилган.

Шунингдек, дунёнинг пиллачилиги ривожланган мамлакат олимлари Attia O Attia, Eldessoky Sdessoky, Ehab I El-Hallous, Hanan F Shaaban, Kunjupillai Vijayan, Muhammad Akram, Faheem Aftab, S. Kashyap, S. Sharma, P.Vasudevan, Mohammad Anis, Mohammad Faisal ва S.K.Singh, Jer Chia Changлар томонидан тутни замонавий *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат етиштириш агротехнологияси бўйича бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилган.

Республикамизда ипак қуртини озуқа базасини мустаҳкамлашда, тутни кўпайтиришни замонавий маркер-ассоцияланган селекция усулларида фойдаланиш ва бирламчи кўчат етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Шу боис ипак қурти учун тут дарахтининг тўйимлилиги юқори, серҳосил навларини *in vitro* усулида кўпайтириш орқали бирламчи кўчат етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва ипак қуртининг озуқа базасини муттасил ривожлантириш ҳамда навдор кўчатлар ҳажмини кўпайтириш бўйича илмий-тадқиқот изланишларини олиб бориш, муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ТИАЛ -04-IV. «Фермер хўжаликларида ипак қурти боқиш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш технологиялари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тутнинг нав ва дурагайини микроклонал кўпайтириш технологиясининг алоҳида босқичларини мўътадиллаштириш ҳамда соматик тўқималардан самарали регенерациялаш усули орқали, тутни *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда патогенлардан тозаланган тутни бирламчи кўчатларини етиштириш;

тутни *in vitro* шароитида кўпайтириш учун дастлабки стерил материални олиш шароитларини ҳамда унинг микрокўпайтириш босқичида максимал регенерация даражасини таъминловчи углеводлар, макро-, микро-элементларнинг мўътадил таркибини аниқлаш;

in vitro усулида микрокўпайтириш жараёнида тутнинг нав ва дурагайининг илдиз ҳосил бўлиш жараёни индукцияси учун ўстирувчи регуляторларнинг таъсири ва сақлаш меъёрларини оптималлаштириш;

тут дарахтини *in vitro* усулида кўпайтиришда морфогенез жараёнларининг навга хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда *in vitro* ва тупроқ шароитига мослашиш режимларини ишлаб чиқиш;

in vitro усулида олинган тут ниҳолларини очик майдонларда апробациядан ўтказиш.

Тадқиқот объекти сифатида маҳаллий шароитда кенг фойдаланиладиган тут дарахтининг *Morus* авлодига кирувчи Жарариқ-9 ва Ўзбекистон дурагайлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, *in vitro* усулида тутнинг нав ва дурагайлари кўпайтириш, уларнинг эксплантлари учун озуқа муҳитини аниқлаш ва *in vitro* усулида кўпайтирилган тутларни эксплантини *in vivo* шароитига ўтказиш ҳамда бирламчи кўчат етиштириш агротехник кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тут дарахтини парваришlash агротехнологиялари, тут кўчатларини микроқаламчалаш усулида етиштириш, тажриба натижаларининг статистик таҳлил (Зленко, Доспехов) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда патогенлардан тозаланган тутни бирламчи кўчатларини етиштиришда *in vitro* усулидан фойдаланиш илмий асосланган;

in vitro шароитида ўстириш учун Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайини апикал меристема қисмидан апрел, май ойларида эксплантларни олиш самарадорлиги аниқланган;

тутни *in vitro* шароитида микрокўпайтириш учун максимал регенерация даражасини таъминловчи Woody Plant Medium озуқа муҳити эканлиги аниқланди;

in vitro усулида тут нав ва дурагайлари ўстириш учун 16/8 кун- тун, ёруғлик режими 2000-3000 люкс, хона ҳарорати 20-22°C, нисбий намлик 60-70 % меъёри танланди;

тутни нав ва дурагайининг илдиз ҳосил бўлиш жараёни индукцияси учун ўстирувчи регуляторларнинг ИМК-0,1-0,2 мг/л; БАП-0,1-0,01 мг/л; Гамборга (B5)-2 % мўътадил нисбати аниқланди;

in vitro усулида тут нав ва дурагайлари кўпайтиришда сунъий озуқа муҳитда ниҳолларнинг навга хос морфогенез жараёнлари, ниҳолларнинг ўсиши, барг сони, илдиз сони ва ўсиш кўрсаткичлари аниқланди;

тут ниҳолларини *in vitro* шароитидан кум+чиринди+ тупроқ 1:1:1 нисбатда, 10×10 схемада, ҳаво ҳарорати 23-25°C, нисбий намлиги 65-70 % да тупроқ шароитига мослашиши оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тутнинг янги қимматли навларининг олий сифатли ниҳол ва кўчатларини тезкор кўпайтириш имконини берувчи ҳимояланган ва очик майдонда она тутзорларлар барпо этиш технологияси ишлаб чиқилган;

тут ниҳолзорининг майдон бирлигидан 5-6 ойда 500 минг донагача навдор стандарт тут ниҳолчалари олиш имконини берувчи микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотларда тутнинг фаол каллус тўқималаридан олинган ниҳолларни етиштиришни оптимал агротехнологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, ҳар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботларнинг кафедра ва факультет илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги, ҳамда бирламчи ҳужжатлар Тошкент давлат аграр университети ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, тажриба натижалари маълумотлари математик ва статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, илмий натижаларни етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларининг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни ишлаб чиқариш амалиётида жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тутнинг Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайини эксплантларини *in vitro* усулида кўпайтириб, улар учун зарур озуқа муҳит таркибини аниқлаш, стериллаш, тоза эксплантлар олиш, кўпайтириш, илдиз чиқариш ва *in vitro* дан (стерил ҳолатда материални сунъий озуқа муҳитида ўстириш) *in vivo*га (стерил ҳолатда ўстирилган материални табиий шароитда ўстириш) ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тут дарахтининг серҳосил, навдор ва озуқавийлик сифати юқори бўлган нав ва дурагайларини йилнинг исталган вақтида *in vitro* усулида кўпайтириб, ипак қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлаиб бориши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тутни *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

тутнинг навдор Жарариқ-9 навини *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат етиштириш усулининг янги технологияси 2017-2018 йилларда Қашқадарё вилояти «Қашқадарё илмий-тажриба станцияси»да 0,03 га майдонга жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 25 декабрдаги №2-2/2389 - сонли маълумотномаси), Натижада янги усул асосида 2972 дона навдор тут кўчатлари етиштирилди, иқтисодий самарадорлик 3243000 сўмни ташкил этган;

тут озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган янги *in vitro* усули Қашқадарё вилоятининг «Қашқадарё илмий-тажриба станцияси»да 2018-

2019 йилларда 0,05 га майдонда истиқболли Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайларида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 25 декабрдаги №2-2/2389 - сонли маълумотномаси). Натижада анъанавий кўчат етиштиришга нисбатан наводор тут кўчатлари етиштириш салмоғи 39,6 фоизга, ошиб 4479 дона наводор тут кўчатлари етиштирилган, иқтисодий самарадорлик 4693500 сўмни, соф фойда 1577570 сўмни ташкил этган;

Наводор тут кўчатларини *in vitro* усулида кўпайтириш технологияси Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Агротилла» МЧЖ да 0,03 га майдонга жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 25 декабрдаги №2-2/2389-сонли маълумотномаси). Натижада 3105 дона наводор тут кўчатлари етиштирилиб, қиёсловчига нисбатан иқтисодий самарадорлик 3442500 сўмга тенг бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та ҳалқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*In vitro* шароитида ўсимликларни кўпайтиришнинг замонавий тенденциялари» деб номланган биринчи бобида тут дарахтининг аҳамияти ва амалиётда кенг қўлланилаётган навлар тавсифи, агротехнологияси, наводорлик кўрсаткичлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари, ўзгарувчанлик коэффиценти ва озуқа қабул қилиши, турли мавсумларда тутга ҳарорат ва намликнинг таъсири, наводор тут кўчатларини *in vitro* шароитида кўпайтиришнинг илмий асослари, ўсимликларни микроклонал кўпайтиришда замонавий шарт шароитлари, тикланиш жараёнлари, таъсир этувчи омиллар, культураларни сақлаш, табиий иқлимга мослаштириш ва *in vitro* усулида микроклонал кўпайтиришни иқтисодий самарадорлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудудлар тавсифи, иқлими, тажрибада қўлланилган тут дарахтларининг навлари ва дурагайларнинг қисқача тавсифи, Жарариқ -9 нави ва Ўзбекистон дурагай тут кўчатларини *in vitro* шароитида кўпайтириш усуллари, культураларга озуқа муҳити, микроэлементлар, ҳарорат таъсири, табиий шароитга мослаштириш, ўғитлар таъсирини аниқлаш мезонлари, таҳлиллар лаборатория ва кичик ишлаб чиқариш тажрибаларини схематик жойлаштириш усуллари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «Тутни *in vitro* усулида кўпайтириш ва бирламчи кўчат етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида тут дарахтининг чапиштириш йўли билан олинган Ўзбекистон дурагайи (♀Oshima I₂N₂ (*Morus bombycis* Koidz.)× ♂САНИИШ-25 (*Morus multicaulis* Perr.)), танлаш йўли билан олинган Жарариқ-9 навидан *in vitro* шароитида Мурасиге Скуг (MS), Woody Plant Medium (WPM) ва Драйвер ва Куниюки (DKW) озуқа муҳитларида эксплантлар олиш ҳамда уларни ривожлантириш имкониятлари ўрганилган.

Ўзбекистон дурагайида WPM (стандарт) асосий озуқа муҳитида эксплантнинг ўртача куртакланиш вақти, кун-7,3 MS-6,6 кун, DKW-7,6 кун, эксплантдан куртак очилиши WPMда-56,8 , MS-51,06 %; DKW-73,13 % бўлиши кузатилган. Умумий куртаклар унувчанлиги MS-74,73 %; WPM-71,46 %; DKW-78,86 % бўлиши кузатилган.

Ўзбекистон дурагайи кўрсаткичларига нисбатан Жарариқ-9 нав кўрсаткичлари WPM (стандарт) асосий озуқа муҳитида эксплантнинг ўртача куртакланиш вақти 7,6 кун, MS-8,33 кун, DKW-8 кун, эксплантдан куртак очилиши WPMда-76,2 %, MS-53,5 %; DKW-74,4 % ни ташкил этиши аниқланди (1-жадвал). Кузатишлар давомида эксплантларнинг куртакланиш вақтининг куртак очилишига нисбатан турлича эканлиги қайд этилган. Умумий куртаклар унувчанлиги MS-71,46 %; WPM-82,73 %; DKW-70,06 % бўлиши кузатилди (1-расм).

Шунингдек, Ўзбекистон дурагайи эксплантда куртакларнинг куртакланиш вақти ўртача 8,33 соатни ташкил этган бўлса, Жарариқ -9 эксплантда ўртача куртакланиш вақти 7,6 соатни ташкил этди. Бундан, тут дарахти эксплантларининг куртакланиш вақти унинг марказий ўсиш нуқтаси узунлигига таъсир этмаслигини кўрсатади.

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон дурагайи ва Жарариқ -9 навидан эксплантлар олиш ва уларни ривожлантириш учун WPM, MS, DKW, стандарт озуқа муҳитларидан самарали фойдаланиш мумкинлиги қайд этилди.


Илмий тадқиқотларда кенг қўлланиладиган MS озуқа муҳитида, Ўзбекистон дурагайидан олинган эксплантнинг ўртача куртакланиш вақти 6,6 кунни, Жарариқ-9 навида 8,3 кунни ташкил этиши қайд этилди.

Ўзбекистон дурагайи эксплантларининг куртакланиш вақти, Жарариқ-9 эксплантларига нисбатан 2 кун эрта бошланиши кузатилган бўлса, эксплантларнинг куртак очиш кўрсаткичлари ҳам ўзаро фарқ қилиши аниқланди (Ўзбекистон дурагайида 51,06 % ва Жарариқ-9 навида 53,5 %).

Тутнинг Ўзбекистон дурагайи ва Жарариқ -9 нави эксплантларининг турли хил озуқа муҳитларида ўртача ривожланиш кўрсаткичлари (2017-2019 йй.)

Тажриба намуналар	Тажриба нав ва дурагайлари	Озуқа муҳити	Эксплантнинг ўртача куртакланиш вақти, кун	Эксплантдан куртак очилиши, %	Умумий куртаклар унувчанлиги, %
1	Ўзбекистон дурагайи	MS	6,6	51,06	74,73
2		WPM	7,33	56,8	71,46
3		DKW	7,6	73,13	78,86
Намуналар бўйича ўртача кўрсаткич			7,17	60,33	75,01
1	Жарариқ -9 нави	MS	8,33	53,5	73,09
2		WPM	7,6	76,2	82,73
3		DKW	8	76,4	70,06
Намуналар бўйича ўртача кўрсаткич			7,97	68,7	75,29
Иккала намуналарнинг ўртача кўрсаткич			7,57	67,67	75,15
Умумий намуналарга нисбатан ўртача кўрсаткич, ЭКФ _{-0,5}			0,21	0,49	0,13

WPM озуқа муҳитида, Ўзбекистон дурагайининг ўртача куртакланиш вақти 7,33 кунни, Жарариқ-9 ва эксплант 7,6 кунни ташкил этиши аниқланди. Эксплантларнинг куртак очиш кўрсаткичлари ҳам ўзаро фарқли бўлиб, Ўзбекистон дурагайида 56,8 % ва Жарариқ-9 навида 76,2 % ни ташкил этиши аниқланди. DKW-озуқа муҳитида, Ўзбекистон дурагайи эксплантларининг ўртача куртакланиш вақти 7,6 кунни, Жарариқ-9 навида 8 кунни ташкил этиши кузатилди.



1-расм. Тутнинг Ўзбекистон дурагайи ва Жарариқ -9 нави эксплантларининг MS, WPM, DKW озуқа муҳитларида ривожланиш кўрсаткичлари

Эксплантларнинг куртак очиш кўрсаткичлари ҳам ўзаро фарқ қилиб, Ўзбекистон дурагайида 73,13 % ва Жарариқ -9 да 76,4 % ни ташкил этиши кузатилди. Ўзбекистон дурагайи ва Жарариқ -9 навини *in vitro* усулида кўпайтириш учун танлаб олинган озуқа муҳитларимизда энг юқори кўрсаткич WPM да олинди (1-расм). Тадқиқотлар давомида, тутнинг нав культураларига

нисбатан дурагай культураларнинг *in vitro* шароитида кўпайтириш осон кечиши қайд этилди. Кейинги тадқиқотлармизда тут навларини кўпайтиришда фақат энг самарали озуқа муҳити WPM да олиб борилди. 2-жадвалда Ўзбекистон дурагайи уруғдан чиққан ёш ниҳоллар кузатишнинг 14-кунда бўйи-4,16 см, илдиз узунлиги-0,23 см, илдиз сони 2 дона бўлган бўлса, кузатишнинг 24-кунда олинган ўртача натижаларга кўра бўйи-9,16 см, илдиз узунлиги-1,16 см, илдиз сони 4,6 донани ташкил этганлиги қайд этилди. Шунингдек, Ўзбекистон дурагайи 2-3 йиллик тут кўчатида эса бўйи-6,5 см, илдиз узунлиги-1,03 см, илдиз сони-4 дона бўлганлиги, кузатишнинг 24- кунда эса бўйи-10,5 см, илдиз узунлиги-2,56 см, илдиз сони эса 6,6 донани ташкил этганлиги аниқланди. Ўзбекистон дурагайи 10-15 йиллик тут дарахтидан 14 кунда олинган ўртача натижа бўйи 5,2 см, илдиз узунлиги, 0,5 см, илдиз сони 2,3 дона ва 24 кунда олинган ўртача натижа бўйи 8,9 см, илдиз узунлиги, 1,13 см, илдиз сони 3,6 донани ташкил этганлиги қайд этилди. Тадқиқот натижаларига кўра, оналик эксплантни 2-3 йиллик тут кўчатларини учки апикал меристема қисмидан олинса мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди. Жарариқ-9 навидан 2-3 йиллик тут кўчатида 14 кунда олинган ўртача натижа бўйи 7 см, илдиз узунлиги, 1,3 см, илдиз сони 4,3 дона ва 24 кунда олинган ўртача натижа бўйи 11,06 см, илдиз узунлиги, 3,1 см, илдиз сони 7,3 донани ташкил этди (3-жадвал). Жарариқ-9 навидан 10-15 йиллик тут дарахтидан 14 кунда олинган ўртача натижа бўйи 5,4 см, илдиз узунлиги, 0,6 см, илдиз сони 2,6 дона ва 24 кунда олинган ўртача натижа бўйи 9,36 см, илдиз узунлиги, 1,53 см, илдиз сони 4,3 донани ташкил этди. Тадқиқотлар давомида *in vitro* кўпайтириши учун энг мақбул намунани вегетация даври фаол бўлган 2-3 ёшли тутлардан олиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди. Шу боисдан кейинги тадқиқотлар тутнинг Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайини 2-3 йиллик кўчатлари асосида олиб борилди.

Ўзбекистон дурагайини 2-3 йиллик тут кўчатида танланган оналик эксплант биринчи микроклонлашда 24-кундаги ўсиш кўрсаткичи бўйи ўртача 10,16 см, илдиз узунлиги 2,56 см, илдизлар сони 6,6 донани ташкил этди (4-жадвал).

Иккинчи микроклонлашда озуқа муҳитга мослашган эксплантларнинг ўсимликни бўйи узунлиги 11,1 см, илдизини ўсиши 7,9 см ва илдизлар сони 8,56 донани ташкил этди. Иккинчи клонлашдаги биринчи 10 кунликдагидан фарқли равишда бўйи 2 см га тез ўсган, илдиз 1,23 см га, сони 1,33 донага ва иккинчи 10 кунликда ўсимликни бўйи узунлиги 1 см, илдизини ўсиши 5,6 см ва илдизлар сони 2 донага юқори бўлганлиги аниқланди.

Жарариқ-9 навини 2-3 йиллик тут кўчатида танланган оналик эксплантни биринчи микроклонлашдаги 24-кундаги ўсиш кўрсаткичи бўйи ўртача 11,06 см, илдиз узунлиги 3,1 см, илдизлар сони 7,3 донани ташкил этганлиги аниқланди (5-жадвал).



А

2-расм. Танланган тадқиқот объектларининг *in vitro* шароитида WPM озуқа муҳитида ривожланиши ҳамда субстратга мослаштириш

А- тут дарахти намуналарида дастлабки илдиз ҳосил қилмасдан ўсган эксплантлари кўриниши, Жарариқ-9 нави (Б) ва Ўзбекистон дурагайи (С) эксплантларининг WPM озуқа муҳитида ривожлантириш ва табиий субстратга мослаштириш



Б



С

Иккинчи микроклонлашда озуқа муҳитга мослашган эксплантларнинг бўйи узунлиги 12,13 см, илдизини ўсиши 9,3 см ва илдизлар сони 9,33 донани ташкил этганлиги қайд этилди. Иккинчи клонлашдаги биринчи 10 кунликда фарқ ўсимлик бўйи 3,5 см га тез ўсган, илдиз 1,26 см га, сони 2,3 донага ва иккинчи 10 кунликда ўсимликни бўйи узунлиги 1,07 см, илдизини ўсиши 6,2 см ва илдизлар сони 2,03 донага юқори бўлганлиги аниқланди.

2-жадвал

Тутнинг Ўзбекистон дурагайидан олинган дастлабки оналик материални олинган намуналар ичидан танлаш (2017-2019 йй.)

№	Тажриба учун танлаб олинган материаллар	Такрорлаш	Экилган вақт	Дастлабки ҳолат, см	14 кундаги натижа			24 кундаги натижа		
					Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона	Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона
1	Уруғдан чиққан ёш ниҳол	1	06.04	1,5	4	0,2	2	10	1,6	4
		2	06.04	1,5	3,5	0,3	3	8	1,1	5
		3	06.04	1,5	5	0,2	2	9,5	0,8	5
Ўртача					4,16	0,23	2,33	9,16	1,16	4,6
2	2-3 йиллик тут қўчати	1	06.04	1,5	6	1,5	4	11	2,6	7
		2	06.04	1,5	7	0,9	3	10	3,1	5
		3	06.04	1,5	6,5	0,7	5	10,5	2,0	8
Ўртача					6,5	1,03	4	10,5	2,56	6,6
3	10-15 йиллик тут дарахти	1	06.04	1,5	6	0,3	3	10	1,5	5
		2	06.04	1,5	5	0,5	2	8,7	1,0	3
		3	06.04	1,5	4,8	0,7	2	8	0,9	3
Ўртача					5,2	0,5	2,3	8,9	1,13	3,6
Намунанинг ўртача кўрсаткичи					5,28	0,58	2,87	9,52	1,61	4,9
Умумий намуналарга нисбатан ўртача кўрсаткич, ЭКФ _{0,5}					1,04	0,11	0,64	1,71	0,27	0,83

Кейинги тадқиқотларда тутнинг Ўзбекистон дурагайи ва Жарариқ-9 навидан эксплант олишда энг мақбул қисмларини танлаш тадқиқотлари амалга оширилди.

Ўзбекистон дурагайининг учки апикал қисмидан олинган намуна 24 кунлик кузатиш натижасида бўйи 10,9 см, илдиз узунлиги, 2,13 см, илдиз сони 6,66 донани ташкил этганлиги, ўрта қисмидан олинган намуна эса бўйи 9,9 см, илдиз узунлиги, 2,1 см, илдиз сони 5 донани ташкил этганлиги қайд этилди (6-жадвал).

Ўзбекистон дурагайининг пастки озуқа муҳитга яқин қисмидан олинган намунада кузатишнинг 24-кунда бўйи 11,06 см, илдиз узунлиги, 3,1см, илдиз сони 7,6 донани ташкил этганлиги кузатилди.

3-жадвал

Тутнинг Жарариқ-9 навидан дастлабки оналик материални намуналар ичидан танлаш (2017-2019 йй.)

№	Тажриба учун танлаб олинган материаллар	Такрорлаш	Эжилган вақт	Дастлабки ҳолат	14 кундаги натижа			24 кундаги натижа		
					Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона	Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона
1	2-3 йиллик тут кўчатидан	1	06.04	1,5	6,8	1,6	5	12	2,8	8
		2	06.04	1,5	7,3	1,3	3	11	3,3	7
		3	06.04	1,5	6,6	1,7	5	10,5	2,1	7
Ўртача					7	1,3	4,3	11,1	2,7	7,3
2	10-15 йиллик тут дарахтидан	1	06.04	1,5	6,1	0,5	3	11	1,7	6
		2	06.04	1,5	5,2	0,7	3	8,9	1,1	4
		3	06.04	1,5	4,9	0,7	2	8,2	1,8	3
Ўртача					5,4	0,6	2,6	9,36	1,53	4,3
Иккала намуналарнинг ўртача кўрсаткич					6,2	0,95	3,45	10,23	2,11	5,8
Умумий намуналарга нисбатан ўртача кўрсаткич, ЭКФ-0,5					0,17	0,08	0,83	0,16	0,71	1,03

4-жадвал

Ўзбекистон дурагайининг 2-3 йиллик тут кўчатидан танланган оналик эксплантни микроклонлашдаги кўрсаткичлар (2017-2019 йй.)

№	Тажриба учун танлаб олинган материаллар	Такрорлаш	Эжилган вақт	Дастлабки ҳолат	14 кундаги натижа			24 кундаги натижа		
					Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона	Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона
1	2-3 йиллик тут кўчат	1	06.04	1,5	6	1,5	4	10	2,6	7
		2	06.04	1,5	7	0,9	3	10	3,1	5
		3	06.04	1,5	6,5	0,7	5	10,5	2,0	8
Ўртача					6,5	1,03	4	10,16	2,56	6,6
2	2-3 йиллик тут кўчат	1	03.05	1,5	8	2,9	5	10,9	8	8
		2	03.05	1,5	9	1,8	6	11	7,9	9
		3	03.05	1,5	8,5	2,1	5	11,5	8	9
Ўртача					8,5	2,26	5,33	11,1	7,9	8,66
Намунанинг ўртача кўрсаткичи					7,5	1,64	4,66	10,63	5,23	7,63
Умумий намуналарга нисбатан ўртача кўрсаткич, ЭКФ-0,5					0,74	0,19	0,48	1,32	1,04	0,82

Ўзбекистон дурагайини микроқаламчаш жараёнида, биринчи 10 кунда энг пастки микроқаламча апиқал учки қисмдан 0,3 см га, ўрта қисмдан 1,3 см га тез ўсиш кузатилди. Илдиз узунлигида ҳам учки қисмдан 0,47 см га, ўрта

қисмдан 0,73 см га ва илдизлар сони учки қисмидан 0,3 донага, ўрта қисмдан 1,94 донага кўп бўлиши аниқланди.

5-жадвал

Тутнинг Жарариқ-9 навини 2-3 йиллик тут кўчатида танланган оналик эксплантни микроклонлашдаги кўрсаткичлар (2017-2019 йй.)

№	Тажриба учун танлаб олинган материаллар	Такрорлаш	Экилган вақт	Дастлабки ҳолат	14 кундаги натижа			24 кундаги натижа		
					Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона	Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони дона
1	2-3 йиллик тут кўчати	1	06.04	1,5	7,1	1,6	4	11,2	2,8	8
		2	06.04	1,5	7	1,1	4	11,1	3,3	6
		3	06.04	1,5	6,9	1,3	5	10,9	3,2	8
Ўртача					7	1,3	4,3	11,06	3,1	7,3
2	2-3 йиллик тут кўчати	1	03.05	1,5	10	2,6	7	11,9	9	11
		2	03.05	1,5	10	3,1	5	12	8,9	9
		3	03.05	1,5	10,5	2,0	8	12,5	10	8
Ўртача					10,5	2,56	6,6	12,13	9,3	9,33
Намунанинг ўртача кўрсаткичи					8,75	1,93	5,45	11,59	6,2	8,3
Умумий намуналарга нисбатан ўртача кўрсаткич, ЭКФ _{0,5}					0,33	0,46	0,87	1,34	0,12	0,48

Иккинчи 10 кунликда энг пастки қисм апикал учки қисм га нисбатан 0,16 см га, ўрта қисмдан 1,16 см га тез ўсиши кузатилди. Илдиз узунлигида ҳам учки апикал қисмдан 0,97 см га, ўрта қисмдан 0,97 см га ва илдизлар сони учки қисмдан 0,94 донага, ўрта қисмдан 2,6 донага кўп бўлиши қайд этилди.

Жарариқ-9 навини учли апикал қисмидан олинган намуна кузатишнинг 24-кунда бўйи ўртача 12,6 см, илдиз узунлиги 10,3 см, илдиз сони 13 донани ташкил этганлиги қайд этилди (7-жадвал).

Жарариқ - 9 навининг ўрта қисмидан олинган намуна эса кузатишнинг 24-кунда бўйи 12,1 см, илдиз узунлиги, 9,9 см, илдиз сони 11 донани ташкил этганлиги, пастки озуқа муҳитга яқин қисмидан олинган намунада эса бўйи 12,9 см, илдиз узунлиги, 11 см, илдиз сони 13 донани ташкил этганлиги аниқланди.

Биринчи 10 кунда энг пастки микроқаламча апикал учки қисмдан 1 см га, ўрта қисмдан 1,1 см га тез ўсиш кузатилди. Илдиз узунлигида ҳам учки қисмидан 0,6 см га, ўрта қисмдан 1 см га ва илдизлар сони учки қисмига тенг, ўрта қисмдан 1 донага кўп бўлиши аниқланди.

Иккинчи 10 кунликда энг пастки қисм, апикал учки қисм га нисбатан 0,3 см га, ўрта қисмдан 0,8 см га тез ўсиши қайд этилди. Илдиз узунлигида ҳам учки апикал қисмдан 0,7 см га, ўрта қисмидан 1,1 см га ва илдизлар сони учки қисмда тенг, ўрта қисмдан 2 донага кўп бўлиши аниқланди.

Намуналарнинг энг мақбул қисмини танлаш жараёнидаги лагориформик ва чизиқли аниқлик кўрсаткичлари (3-расмда) акс эттирилган.

Ўзбекистон дурагайини микроқаламчалаш жараёни учун энг мақбул ўсув қисмларини аниқлаш (2017-2019 йй.)

№	Тажриба учун танлаб олинган қисм	Такрорлаш	Эжилган вақт	Дастлабки ҳолат	14 кундаги натижа			24 кундаги натижа		
					Бўйи, см	Илдиз узунлиги, см	Илдиз сони, Дона	Бўйи, см	Илдиз узунлиги см	Илдиз сони, дона
1	Учли апикал қисми	1	06.04	1,5	6,6	1,1	4	10,2	2,3	6
		2	06.04	1,5	7	0,9	4	10,9	2,1	7
		3	06.04	1,5	6,5	0,8	5	10,1	2,0	7
Ўртача					6,7	0,93	4,3	10,9	2,13	6,66
2	Ўрта қисми	1	06.04	1,5	6,0	0,7	3	9,9	2,1	5
		2	06.04	1,5	5,1	0,6	2	9,8	1,9	6
		3	06.04	1,5	5,9	0,7	3	10	2,3	4
Ўртача					5,7	0,67	2,66	9,9	2,1	5
3	Пастки озуқа мухитга яқин қисми	1	06.04	1,5	7,1	1,5	4	11,2	3,3	8
		2	06.04	1,5	7	1,3	5	10,9	2,9	7
		3	06.04	1,5	6,9	1,4	5	11,1	3,1	8
Ўртача					7	1,4	4,6	11,06	3,1	7,6
Қисмлар бўйича ўртача кўрсаткич					6,46	0,99	3,85	10,62	2,44	6,42
Умумий намуналарга нисбатан ўртача кўрсаткич, ЭКФ-0,5					0,72	0,23	0,42	1,03	0,33	0,38

Тутни микроқўпайтириш жараёнида навга ҳослиги ва ҳар бир микроклоннинг ривожланишини ўрганиш давомида сифатли кўчатларни тайёрлашда микроқаламчаларни энг пастки қисмидан фойдаланилганда, қисқа муддатларда юқори маҳсулдор навдор бирламчи кўчат олиш имконини беради. Тут ниҳолларини ўсишини кузатиш, ностерил шароитларга кўчириб адаптация ҳосил қилиши, бу изоляцияланган тўқима ва аъзоларни ўстириш усулида ўсимликларни қўпайтириш тизимини энг муҳим босқичи ҳисобланади.

Тутнинг нав ва дурагайларини микроклонал кўпайтиришда ўсишни бошқарувчи моддалар таъсирида микроўсимликларнинг шохланиши, илдиз олиш жараёнларини бошқариб борилади.

Стерил ҳолатдаги ўсимликларни кўчириб ўтказиш муддати апрел ва май ойларига тўғри келса ниҳолларни илдиз системасининг ўлчами 12-14 см гача бўлиб, 5-6 дона ўз илдизга эга бўлган яхши ривожланган ниҳолларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида маҳсулотнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, натурал ва қиймат ифодаларида берилган бўлиб, 2017-

2018 йилларда ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари акс эттирилган (8-жадвал). Жумладан, Қашқадаё вилояти ҳудудига ишлаб чиқаришга жорий этилган очиқ майдонларга мослаштирилган кўчатларнинг навлар нисбати аниқланган: I-нав -78,6-84,2 % (750-1000 мм); II-нав-14,7-19,5 % (450-700 мм); вегетатив ривожланмаган ниҳоллар - 0,3-0,8 % (йўқотиш сарфи).

7- жадвал


Жарариқ -9 навини микроқаламчалаш жараёни учун энг мақбул ўсув қисмларини аниқлаш (2017-2019 йй.)

№	Тажриба учун танлаб олинган қисм	Такрорлаш	Экилган вақт	Дастлабки ҳолат	14 кундаги натижа			24 кундаги натижа		
					Бўйи, см	Илдиз ўзунлиги, см	Илдиз сони дона	Бўйи, см	Илдиз ўзунлиги, см	Илдиз сони дона
1	Учли апикал қисми	1	03.05	1,5	9,8	2,6	6	11,9	10,1	13
		2	03.05	1,5	11	2,8	8	12,8	11	14
		3	03.05	1,5	10,2	2,5	8	12,5	10,3	13
Ўртача					10	2,6	7	12,6	10,3	13
2	Ўрта қисми	1	03.05	1,5	9,8	2,3	6	12,3	8,9	11
		2	03.05	1,5	9,3	2	5	11	9,5	10
		3	03.05	1,5	10,2	2,4	7	13	10,3	12
Ўртача					9,9	2,2	6	12,1	9,9	11
3	Пастки озуқа муҳитга яқин қисми	1	03.05	1,5	10,8	3	6	12,9	10,9	12
		2	03.05	1,5	11	3,3	8	12,8	11	15
		3	03.05	1,5	11,2	3,4	7	13	11,2	13
Ўртача					11	3,2	7	12,9	11	13
Қисмлар бўйича ўртача кўрсаткич					10,38	2,66	6,66	12,53	10,4	12,33
ЭКФ _{0,5}					0,42	0,38	0,12	1,17	0,86	1,32

Олинган натижалар *in vitro* усулида етиштирилган тутнинг Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайининг касалликлардан ҳоли бўлган ниҳолларини кўчатзорларга ўтказиш ва уларга агротехнологик ишлов бериш орқали анаънавий усулда олинган кўчатларга нисбатан қисқа муддатда, навдор тут кўчатини етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилди.

Тутни Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайидан *in vitro* усулида навдор кўчат етиштириш учун 2017 йил биринчи февралда *in vitro* усулида озуқа муҳитга экилган ва йигирма иккинчи февралда очиқ далага мослаштириш учун микроиқлимли бошқариладиган махсус иншоотларга экиш вақтидаги Ўзбекистон дурагайидан *in vitro* усулида олинган ниҳол бўйи ўртача 11,1 см, илдиз узунлиги 7,9 см, илдиз сони 8,66 дона, барг сони 5 дона ва тажрибамиздаги Жарариқ-9 нави ниҳолчаси бўйи ўртача 12,13 см, илдиз узунлиги 9,3 см, илдиз сони 9,33 ҳамда барг сони, 6-7 дона бўлган тут ниҳолчалари экилди, адаптациядан сўнг очиқ далага 2017 йил биринчи

апрельда олиб борилаётган тажриба кўчатлари, Ўзбекистон дурагайининг мослашувдан кийин бўйи ўртача 15,4 см, илдиз узунлиги 10,5 см, илдиз сони 11 дона, барг сони 8 дона бўлган ва Жарариқ-9 навини мослашувдан кийин бўйи ўртача 18,3 см, илдиз узунлиги 12,6 см, илдиз сони 11,6 дона, барг сони 9 дона бўлган тут нав ва дурагайи экилиб вегетация даври якунида кўйидагича натижа олинди.



3-расм. Олинган микроқаламчанинг турли вегетатив қисмларидан олинган тўқималарнинг ўсиш ва илдиз олиш кўрсаткичлари

In vitro усулида кўпайтирилган очик далага мослаштирилган тут кўчатларини вегетация даври якуний ўсиш кўрсаткичлари Ўзбекистон дурагайида бўйи ўртача 150 см, илдиз узунлиги 35 см, илдиз сони 13,3 дона, барг сони 31,3 дона бўлган ва Жарариқ-9 навидан бўйи 152,3 см, илдиз узунлиги 42,3 см, илдиз сони 14,6 дона, барг сони 40,6 дона бўлган навдор тут кўчатлари етиштирилди.

0,11 га майдонда олинган 10556 дона навдор кўчатларни сотиш баҳоси 1500 минг сўм белгиланиб, очик далада 6-7 ойда олинган даромад 15834000 сўмни ташкил этди. Ўзбекистон дурагайи (қиёсловчи) тут уруғи 0,11 га майдонга 20.04.2017 йилда экилиб йил якунида бўйи 40 см, илдиз узунлиги 15 см, илдиз сони 5 дона, барг сони 17 дона бўлган ва 2018 йил вегетация даври якунида бўйи ўртача 90 см, илдиз узунлиги 24,3 см, илдиз сони 5-6 дона, барг сони 36,3 дона бўлган дурагай тут кўчатлари етиштирилди.

Иккинчи йил якунида биринчи нав 7425 дона сотиш нархи 600 сўм ва 22275 дона иккинчи ва учунчи нав дурагай тут кўчатлари етиштирилиб сотиш нархи 250 сўм белгиланиб икки йилда олинган жами даромад 10023000 сўмни ташкил этди.

Тутни Жарриқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайидан *in vitro* усулда навдор кўчат етиштиришнинг ўртача кўрсаткичлари (2017-2019 йй.)

№	<i>In vitro</i> усулида озуқа муҳитга жланган тутнинг нав ва дурагайларини ўсиш кўрсаткичлари.				Адаптлаш учун стакаларга жланган тут иншоқларини ўсиш кўрсаткичлари				<i>In vitro</i> усулида кўлайштирилган очик, далага мослаштирилган тут кўчакларини вегетация даври якуни ўсиш кўрсаткичлари							
	Тут нави ва дурагай юмш	Тарпорлаш	Экитган вақт	Вўйи, см	Кўлт	Узунлиги, см	Кўлт сон	Варг сон	Вўйи, см	Кўлт	Узунлиги, см	Кўлт сон	Варг сон	1-нав, дон	Сотти нархи	
1	Ўзбекистон дурагайи (<i>in vitro</i>) усулида	1-10	01.02	10,9	8	8	5	15	10,5	10	8	151	35,5	13	31	3300
		11-20	01.02	11	7,9	9	6	16	11	12	9	149	31	15	30	
		21-30	01.02	11,5	8	9	4	15,3	10	11	7	152	39	12	33	
		Ўртача		11,1*	7,9**	8,66*	5*	15,4*	10,5*	11*	8*	150	35	13,3	31,3	
2	Жарриқ-9 нави (<i>in vitro</i>) усулида	1-10	01.02	11,9	9	11	6	18	12	13	9	156	42	15	42	7056
		11-20	01.02	12	8,9	9	7	19	13	12	8	148	43	16	39	
		21-30	01.02	12,5	10	8	6	18	12,8	10	10	153	42	13	41	
		Ўртача		12,13**	9,2**	9,33**	6,33**	18,3**	12,6**	11,6**	9**	152,3	42,3	14,6	40,6	
														Жами: 15834000 сўм.		

*Pd: 0,704-0,999

**Pd: 0,716-0,999

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш натижасида касалликлардан ҳоли етиштирилган навдор кўчатлардан олинган даромад 0,11 га майдонда 15834000 сўмни – қиёсловчида 10023000 сўмни ташкил этиб, соф фойда қиёсловчига нисбаттан 5811000 сўмни ташкил этди.

Бир нафар мутахассиснинг кунлик иш нормаси ўртача 600 дона ҳисобланса, бир ойда 20 иш кунида 12600 дона тутни нав ва дурагайларини *in vitro* шароитида микроклонлаш мумкинлиги қайд этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. *In vitro* усулида микрокўпайтириш учун танланган тут нав ва дурагайларини – културага киритиш ва ўсишга қодир ўсимлик материалларини олиш учун стерилловчи воситалар сифатида Тимеросаль 0,0005 мг/л, Гипохлорид (Na ёки Ca ли тузи) 10 % ли эритмаси, Кумуш нитрат (Ag NO₃) - 0,005 % ва этил спиртининг 70 % ли эритмаларидан фойдаланилди ва энг самарали стериллаш воситаси Тимеросаль 0,0005 мг/л, Кумуш нитрат (Ag NO₃) -0,005 % эканлиги аниқланди.

2. WPM (Woody Plant Medium)- озуқа муҳити таркибидаги NH_4NO_3 (аммоний нитрат) 400,0 мг/л, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ (кальций нитрат) 471,26 мг/л, CaCl_2 (кальций хлор)-72,50 мг/л микдорида фойдаланиш самарали эканлиги илмий асосланди.

3. Тут нав ва дурагайларини микроқаламчаш усулида кўпайиш жараёнида айнан 2-3 ёшли тутлардан олинган эксплантлардан фойдаланиш юқори самара бериши қайд этилди.

4. Микроқаламчаш натижаларида 3-озуқа муҳитига яқин бўлган микроқаламча апикал меристема ва ўрта қисмга нисбатан тез ўсиши аниқланди.

5. WPM озуқа муҳитида тутни нав ва дурагайларини *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш учун самарали озуқа муҳити эканлиги аниқланди. WPM (Woody plant medium) озуқа муҳитида ўсимликларнинг шох узунлиги културада 82,73% га тенг бўлиб, энг юқори кўрсаткич эканлиги аниқланди.

6. WPM озуқа муҳитида тутни нав ва дурагайларини *in vitro* шароитида 21 кунда тўлиқ илдиз олиб, ўсимлик бўйи 8-12 см гача, илдизчалар сони 7-13 донагача, илдизчалар узунлиги 6-11 смни ташкил қилиши аниқланди.

7. Микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотларда бирламчи тут кўчатларни кўпайтириш усули ва бунда субстрат сифатида кум+чиринди+тупрокнинг 1:1:1 нисбатидан фойдаланиш ва 10×10 схемада экиш, ҳаво ҳарорати $23-25^\circ\text{C}$, нисбий намлиги 65-70% ни ташкил этиши кўчатларни ўсиши учун самарали эканлиги исботланди.

8. Махсус иншоотларда адаптациядан ўтиб очиқ далага мослашган кўчатларни 20×60 схемада экиш самарали эканлиги аниқланди.

9. Тутнинг Жарариқ-9 нави ва Ўзбекистон дурагайини *in vitro* микроклонал кўпайтириш технологияси асосида соғлом ниҳолларини олишнинг янги агротехнологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

10. Кўчатзорнинг майдон бирлигидан 5-6 ойда 500 минг донагача наводор стандарт кўчат олиш имконини берувчи микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотларда, тутнинг янги қимматли навларининг олий сифатли ниҳол ва кўчатларини тезкор кўпайтириш имконини берувчи ҳимояланган ва очиқ майдонда она тутзорларлар барпо этиш агротехнологияси ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ
ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

МИРЗАЕВА ЁРКИНОЙ ЯРКУЛОВНА

**РАЗМНОЖЕНИЕ ШЕЛКОВИЦЫ МЕТОДОМ *IN VITRO* И
РАЗРАБОТКА АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ПЕРВИЧНЫХ
САЖЕНЦЕВ**

06.02.04 – Шелководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Qx436.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете и Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице (www.agrar.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хужамшукуров Нортожи Абдихоликович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Исматуллаева Дилором Адиловна
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Нурматов Норқобул Жураевич
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский ветеринарный медицинский институт

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «___» _____ 2021 года в ___ ч. на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская -2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2 этаж, конференцзал)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером № 543401.) Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская 2. Здание ИРЦ ТашГАУ, 1 этаж. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(Реестр протокола рассылки №5 от 6 мая 2021 года).

Ш.Р.Умаров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор сельскохозяйственных наук., профессор

У.Т.Данияров

Научный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор сельскохозяйственных наук., доцент

Б.У.Насириллаев

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор сельскохозяйственных наук., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В научных учреждениях ведущих стран, где развито шелководство, особое внимание уделяется, исходя из климатических условий, разведению экономически высокоэффективных сортов шелковицы, адаптированных к различным климатическим стрессовым условиям, с высоким содержанием питательных веществ, богатых белком, урожайностью и составу листьев. В настоящее время сорта шелковицы выращиваются в Китайской Народной Республике до 626000, Индии до 280000, Таиланде и Бразилии на площади более 35000 гектаров, с использованием современного метода *in vitro* с эффективным использованием методов вегетативной, маркерно-ассоциированной селекции и микроклонирования¹.

В целях укрепления кормовой базы шелкопряда шелковицы с целью выведения отрасли шелководства на высокий уровень в республике важную научно-практическую роль играет разработка научно обоснованных агротехнологий для выращивания сортовой шелковицы с высокой урожайностью и питательностью листьев. В частности, «...определены как основные задачи увеличение объема, умножение кормовой базы отрасли шелководства в местных условиях путем внедрения инновационных идей, научных разработок и достижений науки»². Хотя идея инноваций широко используется при размножении различных растений современным методом *in vitro*, стоит расширить сферу исследований по исследованию новых технологий, поскольку научно-исследовательские работы по использованию метода *in vitro* в процессах выращивания сортов шелковицы, как жизнеспособных, так и без болезней, не проводились.

Данная диссертация в определенной степени служит внедрению в жизнь задач, нашедших своё отражение в таких нормативно-правовых документах, как Постановление Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»³, постановлениях Президента Республики Узбекистан от 31 июля 2019 года № ПП-4411 «О дополнительных мерах по развитию глубокой переработки в шелковой отрасли», № ПП-4567 от 17 января 2020 года «О дополнительных мерах по развитию кормовой базы тутового шелкопряда в шелководческой отрасли», а также в постановлении №616 Кабинета Министров Республики Узбекистан «О программе мер комплексного развития шелководческой отрасли на 2017-2021 годы» от 11 августа 2017 года.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

¹ <http://www.fao.org/livestock/agap/frg/mulberry/Papers/HTML/Intro.htm>

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 17 января 2020 года № ПП-4567.

³ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП - 4947.

Степень изученности проблемы: в Узбекистане научные исследования по размножению тутовых саженцев различными методами, повышению продуктивности тутовых плантаций были проведены такими учеными, как М.И.Гребинская, К.Рахмонбердиев, О.Пулатов, Р.Абдуллаев, У.Кучкоров, М.Жураев, Д.И.Холматов, М.Хиббимов. Следует отметить, что в республике не проводились научные исследования по размножению тутовника современным методом *in vitro* и агротехнологиям выращивания первичных саженцев, однако в области микрклонального размножения методом *in vitro* картофеля, яблок, винограда и вишни были проведены несколько научных исследований, широкомасштабных научных исследований К.С.Султоновым, С.Х.Абдурамановой, Э.Г.Холмуратовым, Г.Б. Насировой, М.Ш.Сабириевой.

Также, учеными стран мира с развитым шелководством Attia O Attia, Eldessoky Sdessoky, Ehab I El-Hallous, Hanan F Shaaban, Kunjupillai Vijayan, Muhammad Akram, Faheem Aftab, S. Kashyap, S. Sharma, P.Vasudevan, Mohammad Anis, Mohammad Faisal и S.K.Singh, Jer Chia Chang был проведен ряд научных исследований по размножению тутовника современным методом *in vitro* и агротехнологии выращивания первичных саженцев, достигнуты положительные результаты.

